



TECHNOLOGICAL EDUCATION TEACHER AND PROFESSIONAL COMPETENCE

Berdieva Kanifa Meleivna,
Surkhondaryo VKHNTKTMOKM Associate Professor,
Pedagogy Fanlar Nomzodi

Shomirzaev Makhmatmurod Huramovich,
Termiz Davlat University and "Technologist Ta'lim"
Department of Associate Professor, Pedagogy Fanlari Doctor.

ABSTRACT

This article provides a theoretical analysis of the concept of "Competetion". Analyzed the essential characteristics and approaches that justify the need for activity, shows the formation of competence.

Keyword: competence, competent, shahsiy competent, faoliyat, regalashtirish, mustaqillik, individual, technologist.

Маълумки, ҳозирги замон ишлаб чиқариши жуда тез суръатлар билан ривожланмоқда. Мехнат қуроллари, технологик процесслар узлуксиз такомиллашиб бормоқда. Бу маълум даражада меҳнат таълимида ўз аксини топиши керак. "Компетентлик" тушунчаси (лотинчадан competentia – биргаликда эришаман, тўғри қиласман) луғатларда "бир нима ҳақида фикр юритишга имконият берадиган билимларга эга бўлиш" маъносида тавсияланади. Психологияда И.Н.Шпильриен, С.Г.Геллерштейн, Е.А.Климов, В.Д.Шадриков, К.К.Платонов, Н.В.Кузьмина) хаётдаги бўлган вазиятларнинг, муоммаларини ечишга ёрдам берадиган фазилатлар, қобилияtlар компетентлик деб тушунирилади. Профессионал компетентлик – бу қайсиdir касбда бор бўлган стандартга риоя қилиш. Н.В.Кузьмина концепсияси энг муҳим психологик концепсия - бу концепсияда компетентлик қобилияtlар орқали таърифланади.

А.К.Маркова ўқитувчини касбий компетентга эга бўлган ўқитувчи деб айтади қачонки педагогик фаолиятини, педагогик муомилани, етарлича юқори даражада ошиrsa, ўқувчиларни ўқитишида ва тарбиялашда юқори натижада ошиrsa. Компетентли бўлган ўқитувчи ўзини касбий билимларини психологик фазилатларини ўз меҳнатида қўллашни билиш керак.

А.П.Акимова касбий компетентликни шундай тушуниради – ўз фаолиятида керак бўлган билимларининг, янгиликларининг, қобилияtlарнинг йифиндиси ва атрофдаги муҳит билан йифинди ўзаро тўғри келиши.

Педагогик компетентлик педагогик маҳорат тушунчасига боғликлигини Н.В.Кухарев шундай: психологик – педагогик тайёрлигидан келиб чиқадиган ўқитувчи шахсининг аниқ сифатларининг ва педагогик масалаларини энг самарали усуlda ечадиган фазилатлар тўплами- деб таърифлайди

М.И.Лукъянова ўқитувчининг педагогик компетенлигини учга бўлиб кўриб чиқади: психологик – педагогик саводи, шахснинг муҳум касбий фазилатлар, энг муҳими эса – ўқитувчини меҳнатининг асосий мезони ўқитувчига қаратиши ва ўқитувчи ўзининг малакасини оширишга, янги билимлар билишга интилиши, ўзининг фаолиятини такомиллаширишга, ўқувчининг шахсини ўзгартиришdir.

А.К.Маркова фикри бўйича ўқитувчининг меҳнати компетентликка айланади қачон: ўқитувчи ўз фаолиятини етарлича юқори даражада амалга ошиrsa, ўқувчи ва талабаларни



ўқитишиш ва тарбиялашни юқори даражада амалга ошираса. Ушбу асослар билан бирга ўқитувчининг касбий компетентлигини тўртга бўлиб ўрганади:

Махсус касбий компетентлик – бу фаолиятни юқори касбий олиб бориши. Махсус касбий компетентлик нафақат махсус билимлардан, балки бу билимларни амалга оширишдан иборат;

Ижтимоий компетентлик – бу қўшимча фаолиятни олиб бориш йўлларини билиш, хамкорликда бажариш йўлларини билиш;

Шахсий компетентлик – бу ўзини ривожлантириш ва ўзини кўрсатиш йўлларини билиш (мутахассис ўзининг фаолиятини режалаштириш, мустақил қарор қилиш, маълумотлар билан ва ўз устида ишлаш).

Индивидуал компетентлик – бу ўзини бошқариш йўлларини билиш, касбий ривожланишга тайёргарлик ва касбий янгиликлар қилиш. Шу билан бирга ўқитувчининг билимлари янгиликлар билан бойиган бўлиши, психологик ва педагогик фазилатлар юқори даражада бўлиши тушунилади.

Касбий кампетентликнинг ривожланиши – бу ижодий ривожланиш, педагог атрофда ўзгаришларга тез мослаша олиш ва бошқариш, тез киришиш қобилияти, жараённинг социал – экономик ва маънавий ривожланиши педагогнинг касбий даражасига боғлиқ.

Технологик таълим ўқитувчисини касбий компетентлигини шакллантиришда педагогик ҳамда техник–технологик муаммоли вазиятни педагогик жараённи ҳосил қилишга имкон берувчи, шароитларнинг тўплами сифатида қайд этилади. Педагогик шароитлар мазкур жараённи юзага келтирибгина қолмай, балки унинг мавжуд ҳолатини ҳам белгилайди.

Технологик таълим ўқитувчисини касбий компетентлигини шакллантириш босқичма босқич, педагогик туркум фанлари ҳамда умуммуҳандислик фанларининг интеграцияси, яъни дидактик синтезни ва фанлараро алоқадорлик даражасида, педагогик ҳамда муаммоли - вазиятли топшириқларни ечиш орқали амалга оширилади. Технологик таълим ўқитувчисининг таълим ва тарбия беришида, компетентлиги турларига қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

- таълим бериш компетентлиги;
- таълимнинг замонавий усулларини қўллай олиш компетентлиги;
- тарбиялай олиш компетентлиги;
- инсон омилини таъминловчи компетентлиг;
- билимларни ҳолисона баҳолаш ва назорат қила олиш компетентлиги;
- технологик таълимга бўлган эҳтиёжни қондира олиш компетентлиги.

Технологик таълим ўқитувчиси ўзининг педагогик компетентлигини такомиллаштириши, ўз малакаси савиясини ошириши устида ҳар доим ишлаши, ўз билим ва малакаларини доимо такомиллаштириши зарур.

Замонавий маълумотнинг асосий мақсади жамиятнинг, давлатнинг, шахснинг замонавий тарбияларга мос бўлиши, ҳар томонлама ривожланган шахсни тарбиялашдир.

Технологик таълим ўқитувчиси дарсга тайёрланаётганда ҳар хил метод ва усулларни қўллаб янги материални қандай баён қилишни ўйлайди. У ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини, уларнинг тажрибаси, жисмоний ривожланиши ва меҳнат унумдорлигига таъсир қиласидиган бошқа факторларни ҳисобга олган ҳолда иш объектларини танлайди.

Технологик таълим ўқитувчисининг тайёргарлиги ҳар қандай асосли бўлса ҳам, у тугалланган ҳисобланмайди. Демак, технологик таълим ўқитувчиси фан ва техника соҳасидаги тараққиётни узлуксиз кузатиб бориши, улардан ўқувчиларни тушунарли



формада хабардор қилиб туриши ва ўз устида ишлаши, малака савиясини ошириши устида ҳар доим такомиллаштириши зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Н.А.Муслимов, Ш.С.Шарипов в.б. Мехнат таълими ўқитиш методикаси. Ўқув қўлланма. – Т.: 2009 427 б.
2. Бобрышева И.В. «Гуманитарная компетентность как основа профессионализма и культуры современного учителя» Педагогические науки 2009 г. № 9 стр.140
3. Shomirzayev, M.Kh. (2019). The ethical characteristics of traditional embroidery of Fergana valley people. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences, 7 (12). - P. 55-59.
4. Shomirzayev, M.Kh. (2019). Ethnic peculiarities of artistic embroidery of the peoples of the Ferghana valley. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences. -7 (12). -P. 966-969.
5. Shomirzayev, M.Kh. (2019). Local features of the traditional embroidery of the Ferghana valley. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences. -7 (12). -P. 970-973.
6. Shomirzayev, M.Kh. (2020). Education is personaly focused technology. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences, 8 (8), Part. 93-99.
7. Shomirzayev, M.Kh. et al. (2020). National handicrafts of Uzbekistan and its social – economic significance. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences, 8 (8), Part III. 129-138.